



XALQ DEPUTATLARI O'ZBEKISTON TUMANI KENGASHI QARORI

2021 йил «30» декабрь

VI-42-69-11-161-K/21

Ўзбекистон туман ҳокимлиги

Ўзбекистон туманининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Бюджет кодексининг 27, 99-моддалари, “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ҳамда халқ депутатлари Ўзбекистон туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон туман маҳаллий бюджетининг 2022 йилги даромадлари **11 297,0 млн.сўм** ва харажатлари **217 936,967 млн.сўмга** маълумот учун қабул қилинганлиги ҳамда республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар **106 639,967 млн. сўм** миқдорида тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

3. Туман маҳаллий бюджети даромадларининг 2022 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

4.Туманнинг туман бюджетидан 2022 йилда ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5.Туман бюджетидан умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, ажратма меъёрлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда “Давлат молиясини бошқариш” ахборот тизимига Фарғона вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси томонидан киритилиши белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

6. Вилоят бюджетидан туман маҳаллий бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдори 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман ва шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгилаб қўйилганлиги инобатга олинсин.

7. 2022 йил учун туманнинг туман бюджети захира жамғармаси ҳажмлари 2 055,040 млн. сўм миқдорида белгилансин.

Бунда, туман бюджетининг захира жамғармаси маблағларини Бюджет кодексининг 73-моддасига мувофиқ, бюджет тизими бюджетлари шакллантирилаётганда олдиндан назарда тутиб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

Туман бюджетини ижро этишда юқори турувчи бюджетдан уларга ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг прогнозидан ошган қисми учун тегишли бюджетнинг захира жамғармаси миқдорларига аниқлаштириш киритилмасин.

8. 2022 йил учун туманнинг туман бюджети шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 719,0 млн. сўм этиб белгилансин.

9. Қуйидагилар:

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлар Халқ депутатлари Кенгаши қарори билан алоҳида белгиланганлиги;

жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган

қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар Халқ депутатлари Кенгаши қарори билан алоҳида белгиланганлиги;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ўтказувчи органларда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган бинолар ва иншоотларнинг 1 кв.м. учун мутлақ миқдорда белгиланган минимал қийматга нисбатан киритилаётган камайтирувчи коэффициентлар Халқ депутатлари Кенгаши қарори билан алоҳида белгиланганлиги инобатга олинсин.

10. Ўзбекистон Республикасининг мазкур Қонуни билан 2022 йилда халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилганлиги инобатга олинсин.

Шунингдек, 2022 йилда:

а) қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар:

якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализацияси қилишдаги акциз солиғи;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат божлари (патент божи ва лицензия берганлик учун давлат божларидан ташқари);

айрим товарларни чакана савдосига бериладиган ҳуқуқ учун ундириладиган йиғимлар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан, ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан, шунингдек автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловдан ташқари);

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат бюджети даромадига ўтказиладиган мол-мулк, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг активлари бўйича ажратмалар ва дивидендлар;

ер участкаларига булган ҳуқуқларни сотишдан тушган пул маблағлари;

бўш турган давлат мулки объектларини хусусийлаштиришдан тушган тушумлар;

Бошқа тушумлар (ушбу банднинг “в” ва “г” қисмларида назарда тутилган даромадлардан ташқари барча даромадлар, шу жумладан туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларининг бошқа тушумлари ҳамда бюджет ташкилотлари асосий воситалари сотилишидан туман ва шаҳар бюджетларига тушумлар) вилоятнинг вилоят маҳаллий бюджетига тўлиғича ўтказилиши;

б) Мобиль алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2021 йил 1 июль ҳолатига қўра туман ва шаҳар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилиши;

в) Қуйидаги солиқ турлари:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

айланмадан солиқ;

якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

давлат мулки бўйича ижара тўловларидан тушадиган тушумлар шаҳар ва туманлар бюджетига тўлиқлиғича ўтказиб берилиши;

г) қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланади:

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ туридан тушумларнинг барча шаҳар ва туманларда 50 фоизи;

якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализацияси қилишдаги акциз солиғидан тушумларнинг барча шаҳар ва туманларда 20 фоизи;

жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғидан тушумларнинг

(якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғидан ташқари) Фарғона шаҳри ва Сўх туманидан ташқари барча шаҳар ва туманларда 50 фоизи;

юридик шахслар фойдасидан солиқ бўйича тушумларнинг фақат Фарғона шаҳрида 50 фоизи ўтказилади;

юридик шахслар ер ва мол-мулк солиқлағи ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғидан тушумларнинг барча шаҳар ва туманларда 50 фоизи;

Агар қонунчиликда маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган даромадларнинг тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса, даромаднинг ушбу тури вилоят бюджетига ўтказилади.

11. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сатторов), молия бўлими (Рўзматов), Давлат солиқ инспекцияси (Фозилов) билан биргаликда 2022 йилги маҳаллий бюджетда белгиланган кўрсаткичларни ўз вақтида ва самарали бажарилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

12. Белгилансинки:

барча туман ҳокимлиги, масъул бўлим ва ташкилотлар томонидан 2022 йилда бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш, тегишли маҳаллий бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушимини таъминлаш ҳамда бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилсин.

13. Туман давлат солиқ инспекцияси (Фозилов):

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

Солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини ўрнатиш;

Ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиқлари бўйича доимий таҳлилилар ўтказган ҳолда, солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўловлари бўйича солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

Айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс этирилиши устидан доимий солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал солиқ назорати тадбирларини ўтказиш;

Бунда, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида фуқароларга харид чекини талаб қилиб олишни тарғиб этувчи ижтимоий роликлар ҳамда видео материаллар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратсинлар.

Ер ва мол-мулк солиғининг солиқ базасини ошириш, яъни хатлов ишларини самарали ташкил этиб бориш вазифаси юклатилсин.

14. Туман давлат солиқ инспекцияси (Фозилов), Кадастр агентлиги туман бўлими (Ражабов) 2022 йилдан бошлаб юридик шаслар мол-мулк солиғини ҳисоблашда қўчмас мулкларга 1 кв.метр учун минимал миқдорлар жорий этилганлигидан келиб чиқиб, вилоятда мавжуд солиқ тўловчиларнинг мол-мулклари майдонларини чуқур таҳлил этган ҳолда ушбу мол-мулкларга нисбатан солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминласинлар.

15. Мажбурий ижро бюроси Ўзбекистон туман бўлими (Ўришев), туман давлат солиқ инспекцияси (Фозилов) билан ҳамкорликда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд солиқ қарздорликларини бюджетга ундириш юзасидан тегишли чоралар кўриб борсинлар ҳамда чораклар якуни билан солиқ қарздорликларининг чорак бошига нисбатан камайиб бориши бўйича барча комплекс чора-тадбирлар кўриш вазифаси юклатилсин.

16. Маҳалла ва оилани қўллаб қуватлаш бўлими (Камолова), туман ҳокимлиги жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулк солиқлари бўйича жорий ҳисобланган солиқларни ҳамда ушбу солиқлардан мавжуд солиқ қарздорликларини ундириш юзасидан солиқ органларига амалий ёрдам кўрсатсинлар.

17. Туман ички ишлар бўлими (Нажмиддинов), йўл ҳаракати хавфсизлиги туман бўлими (Муроталиев), Давлат хизматлари агентлиги туман бўлими (Джураев) бюджетга ҳисобланган бож, жарима ва йиғимларни ўз вақтида тўлиқ маҳаллий бюджетга ундириш чораларини кўриб борсинлар.

18. Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ:

вилоят ҳокимлиги чораклар якуни бўйича Қонуннинг 6-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Вазирлар Маҳкамасига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетларaro трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан;

туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 5-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетларaro трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилиши тўғрисидаги белгиланган тартибга амал қилсинлар.

Туман бюджети жами харажатларининг 5 фоизи ҳамда шаклланган қўшимча маблағларининг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтирилсин.

Бунда, туман халқ депутатлари, туман ҳокимлиги, Ёшлар ишлар агентлиги, туман ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари ҳамда янги жорий этилган ҳоким ёрдамчилари бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида аҳолига кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга маъсуллиги белгилаб қўйилсин.

19.Туман бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар тегишли равишда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан туман ҳокимлигининг таклифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш мақсадида қабул қилинади.

Туман бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар

тегишинча туман ҳокимлиги томонидан мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштирилади.

20.Туман ҳокимлиги ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу маҳаллий бюджетларнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

21.Туман ҳокимлиги, бюджет маблағлари тақсимловчилари ҳамда масъул бўлим ва ташкилотлар:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;

қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қуриш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотларни тегишли равишда мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларида жойлаштириб борсин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадларини 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни, веб-сайтларида уларнинг натижаларини жойлаштириб борилишини таъминласин.

22.Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сатторов), халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти, туман ҳокимлиги, тегишли бўлим ва ташкилотлар раҳбарлари:

Бюджет даромад ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш;

солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисоди й салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назорат ўрнатиш;

тегишлилиги равишда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалари бўйича ҳисоботларини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашига киритиб борилишини таъминласин.

23.Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

24.Мазкур қарор тегишли таҳририятлар ва оммавий ахборот воситаларида ёритилишга эътибор берилсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

25.Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

26.Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Туман ҳокими



Ш.Юлдашев

Халқ депутатлари Ўзбекистон
туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-42-69-11-161-К/21-сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон туман маҳаллий бюджети даромадларининг

2022 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг.сўм

№	Даромадлар номи	Ажратма меъёри	Ўзбекистон тумани
I.	Тартибга солувчи даромадлар		24 819 000
1	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	50	24 819 000
2	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи		0
II.	Бириктирилган даромадлар		47 189 000
	Тўлиқ туман маҳаллий бюджетига		23 274 000
1	Корхоналар айланмасидан солиқ	100	9 638 000
2	Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	100	1 055 000
3	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	100	4 744 000
4	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	100	7 507 000
5	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари	100	330 000
	Вилоят ва туман маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланадиган даромадлар		23 915 000
1	Қурилиш материаллари бўйича ер қаридан фойдаланганлик учун солиқ	50	10 457 500

2	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	20	6 688 000
3	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	50	1 693 000
4	Юридик шахслардан ундириладиган ер солиғи	50	3 944 000
5	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	50	1 132 500
III.	Маҳаллий бюджет даромадлари прогнози		72 008 000
IV.	Ўтказиб бериладиган даромадлар		39 289 000
	<i>Аҳоли сони (минг.киши) 01.07.2021 ҳолатига</i>		<i>244</i>
14	Алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво		14 870 000
15	Мобиль алоқа хизматини кўрсатганлик учун акциз солиғи		8 472 000
16	Тамаки маҳсулотлари бўйича акциз солиғи		15 947 000
V.	Маҳаллий бюджетларнинг жами даромадлари		111 297 000
VI.	Маҳаллий бюджетларнинг жами харажатлари		217 936 967,0
VII.	Трансфертлар		106 639 967

Халқ депутатлари Ўзбекистон
туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-42-69-11-161-К/21-сон қарорига
2-илова

2022 йил учун Ўзбекистон туман бюджетидан ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларга ажратилган маблағларининг киритилган ўзгаришлар билан чекланган миқдорлари

Кўрсаткичлар		минг сўм
Ўзбекистон тумани		
	ХАРАЖАТЛАР-ЖАМИ	217 936 967
1.	ИЖТИМОЙ СОҲА ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ХАРАЖАТЛАР - ЖАМИ	169 705 480
	<i>шу жумладан:</i>	
1.1	Маориф	35 440 819
	- мактабгача таълим	22 816 996
	- умумий таълим	12 623 823
	- кадрлар тайёрлаш	0
1.2	Соғлиқни сақлаш	77 007 277
1.3	Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари	5 276 427
	- маданият ва оммавий ахборот воситалари	1 482 079
	- спорт	3 794 348
1.4	Тиббий ижтимоий хизматлар бўлими (Ёлғиз қариялар учун озик-овқат)	18 072
1.5	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар	51 828 725
1.14	Ижтимоий кўникма марказлари	134 160
2.	ИҚТИСОДИЁТГА ХАРАЖАТЛАР	13 659 081
	<i>шу жумладан:</i>	
2.3	Ободонлаштириш	10 753 308
2.16	Ветеринария кўмитаси	1 157 773
2.17	Маҳаллий бюджетларда ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун	1 748 000
3.	МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ХАРАЖАТЛАР	0
4.	ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИ САҚЛАШ	12 088 676
	<i>шу жумладан:</i>	
4.1	Давлат ҳокимияти органлари	

4.2	Давлат бошқарув идоралари	12 088 676
5.	ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИ САҚЛАШ	7 628 438
6.	Сув хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	2 033 387
7.	Фермерлар хўжаликлари бухгалтерия марказлари	388 914
6.	ЗАҲИРА ЖАМҒАРМАСИ	2 055 040
7.	БОШҚА ХАРАЖАТЛАР	10 377 951
	<i>шу жумладан:</i>	
7.1	<input type="checkbox"/> Маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган бошқа муассасалар ва тадбирлар	0
7.2	Қабуллар уйини сақлаш харажатлари	0
7.3	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	10 377 951
7.4	Адвокатлик хизматлари харажатлари	0
7.5	Чет эл кредитларини қоплаш	
	ЖАМИ МАҲАЛЛИЙ ДАРОМАДЛАР	111 297 000
	ТРАНСФЕРТ	106 639 967

Халқ депутатлари Ўзбекистон туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-42-69-11-161-К/21-сон қарорига
3-илова

2022 йил учун бюджет даромадларининг маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланиши бўйича
ажратма меъёрлари

Фоиз ҳисобида

T/P	Шаҳар ва туманлар номи	Корхоналар айланмасидан солиқ	Жисмоний шахслардан солинадиган даромад солиғи	Якка тартибдаги тadbirkорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан солинадиган даромад солиғи	Юридик шахслардан ундириладиган фойда солиғи	Бензин, дизел ёқилғиси ва газни яқуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиқ	Жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ	Жисмоний шахслардан ер солиғи	Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ
1	Ўзбекистон тумани	100	50	100		20	100	100	50	100	50	50	50

Халқ депутатлари Ўзбекистон
туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-42-69-11-161-К/21-сон қарорига
4-илова

**Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2022 йилги юқори
бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро
трансферлар миқдорлари**

минг сўмда

№	Шаҳар ва туманлар	Тартибга солувчи трансферт миқдори жами
	ЖАМИ	106 639 967
1	Ўзбекистон тумани	106 639 967